

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик
куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • Баҳоси эркин нархда

БИР ЎЛАККИ САЛ КЎРМАСА КҲЁШ СОҒИНАР...



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жанобла-
ри!

Сизни Оқ уйда кутиб олиш ва
Қўшма Штатлар билан Ўзбекис-
тон ўртасидаги ҳамкорлик чуқур-
лашаётганини тасдиқлаш мен
учун шарафли иш бўлди. Мамла-
катларимиз манфаатларига таал-
луқли бўлган айрим муҳим маса-
лалар бўйича суҳбатимиз ҳам
менга алоҳида мамнуният бахш
эди. Бинобарин, мен Сизнинг
Ғарб билан мустаҳкам ҳамкорлик
ўрнатишга доир фаолиятингизда
ҳар доим ерданга тайёрман.

Қамоли эҳтиром билан

Билл КЛИНТОН,
АҚШ Президенти

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚҲИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қурилиш ва уй-жой ко-
мунал хўжалиги қўмитасининг йи-
гилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда
Олий Мажлис VI сессияси тўғри-
сидаги масала, «Архитектура ва
шаҳарсозлик тўғрисидаги» Қонун-
нинг Самарқанд вилоятидаги иж-
роси ҳамда тегишли вазирлик, қў-
миталарда ушбу Қонунни амалга
ошириш юзасидан қилинаётган
ишлар ҳақидаги масалалар муҳо-
кама қилинди.

ИШЧИ ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Журналистлар уюшмасининг
кенгайтирилган пленумида ва
Ўзбекистон Республикаси Мат-
буотни қўллаб-қувватловчи
жамғарма бошқаруви йиғилиши-
да бу икки ташкилотни бирлаш-
тириш ҳақида қарор қабул қи-
линди. Шу мақсадда оммавий
ахборот воситалари фаолияти-
даги демократик жараёнларни
кучайтириш, мамлакатда тўла
матбуот эркинлигини таъмин-
лаш, журналистларни ижти-
моий-иқтисодий, сиёсий ва
маънавий-иқтисодий жиҳатдан
қўллаб-қувватлашга кўмакла-
шувчи ижтимоий-сиёсий, дав-
латга тегишли бўлмаган янги
жамғарма тузиш таклифларини
тайёрловчи ишчи гуруҳ тузил-
ди.

НОВВОЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Муқимий номидаги мусиқали
театр биносига «Нон ризқ-рўзи-
миз» мавзuida кўрик-танлов бў-
либ ўтди. Унда Тошкент шаҳри-
даги нон ишлаб чиқарувчи ҳис-
садорлик жамиятлари аъзолари
иштирок этишди.

ЎЗА ва республика матбуоти
хабарлари асосида тайёрлан-
ди



АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!

MILLY INVESTICIYA FONDI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

тел: 363084
Тел / 343176
факс: 343176

● Оқибат

— Қизим Дилдора бугун олти ёшга тулади, анча эсини таниб қолди, ўзи ҳам туғилган кунини интиқ бўлиб кутиб юрибди, гапирадиган катта кўғирчоқ олиб берасиз, деяпти. Кўғирчоқни-ку олиб берарман, лекин шу кун унинг ёдида бир умрга қолса дейман, бир видеога тушириб, Алоқа канали орқали табрик бердирсаммикан, девдим. Шунга ёрдам бероласизми?

Тошхон опа бу гапларни қувноб айтса-да, кўзларига ёш қалқиб чиқди. У кўз ёшларини рўмолнинг учига артиб оларкан, қизига меҳр билан боқди-ю, гапини давом эттирди:

— Яхши ҳамки шу қизалоқни худо менга етказган экан. Қариганимда эрмагу овунчоқ бўлди, ишқилиб умри узоқ, бахти бекам бўлсин-да!

Хамсуҳбатим гапини тугатиб, ўйга чўмди. Менга унинг хаёлидан нелар кечгани аён эди.

1990 йилнинг апрел ойи, тонг сахар. Гулистон темир йул шоҳбекатида фаррош бўлиб ишлайдиган Тошхон Саримсоқова одатдагидай бекат олдидаги майдонни супуриб юрарди.

Шу пайт қўлида икки бола (бири йўргакда) кўтарган бир аёл унга яқинлашиб секингина:

— Мана бу чақалоқни олмайсизми? — деб сўради.

— Чақалоқ ўзингизнинг болангизми, нега бировга бермоқчисиз? — деди Тошхон опа хайрон бўлиб.

— Йўқ, ўзимнинг болам эмас. Буниси ўзимники. Бу чақалоқни бир таниш аёл қараб туринг, деб бериб кетувди, 5-6 кун бўлди, келмаяпти. Икковини боқишга кўрбим ҳам, имкомим ҳам йўқ. Шошилишч Андижонга жўнашим керак, йўлқирага пул зарур, 100

сўм берсангиз етади. Жон опа-жон, олақолинг. Менга, болага раҳмингиз келсин.

Тошхон опанинг боши қотиб қолди. Олсам фарзандларим, кўни-қўшнларим нима деркин, деган хаёлга борди, олмай деса, чақалоққа раҳми келди. Олса, эртаиндин онаси топилиб қолса-чи? Охири, таваккал қилиб, идорага кириб пул топиб чиқди-да, аёлга бериб, болани уйига олиб кетди. Кир-чир латта-путтага ўралган чақалоқ қорни очликдан йиғларди. Тошхон опа дарҳол уни ювинтириб, йўргаклаб, сут берди. Чақалоқ йиғидан тинмас, Тошхон опанинг бағрини тимирскилаб нимадир ахтарарди. Шунда у гўдакка қўшилиб йиғлаб юборди.

Тошхон опа чақалоқнинг бошида кечалари мижа қоқмай чиқар, алла а й т а р , г и р - п и -

т о н

бўлар,

унга бор

меҳрини ба-

ғишларди. Уйли-

жойли бўлиб кетган

ўғиллари, қизларининг

«қариганда сизга ортиқча

ташвишнинг нима кераги бор

эди», деган гапларига парво ҳам

қилмас, гўдакка меҳри тобора

ошиб борарди.

Онаси излаб келиб қолар, деб анча кутди. Онасидан дарак бўлмагач, кўни-қўшнларининг маслаҳати билан қизчани фарзандликка олиш ҳаракатида тушди. Идорама-идора олиб-югурди, барча ҳужжатларни расмийлаштирди.

Дарвоқе ўша аёл чақалоқнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини бериб кетган эди. Унда боланинг исми, фамилияси, онасининг исми-шарифи, турар-жойи бор эди. Лекин Тошхон опа уни сўроқлаб топа ол-



мади. Шундан сўнг қизалоққа янги гувоҳнома олди. Унга Дилдора деб исм қўйди. Ишхонасидан отпусқа олиб, чақалоқ билан уйда ўтирди.

Қизалоқ аста-секин янги онасига кўника бошлади, ширин-ширин куладиган, ўйнайдиган бўлди. Шу орада (бир неча ойдан сўнг) бир аёл қизчанинг онасиман, деб даъво қилиб келди. Лекин ҳужжатлар бунини исботламади. Дилдора онаси билан қолди. У бир ёшга тулган кун Тошхон опанинг уйида байрам бўлиб кетди. Ўғил-қизлари, келинлари, куёвлари, набиралари, қўшнлари қутлагани келишиди, совғалар келтиришди.

Она-бола бир-бирдан бир қадам силжишмасди. Тошхон опа Дилдорани боғчага берган кун юраги узилиб тушгандек бўлди. Қизалоқ ҳам, «аяжон» деб орқасидан дарвозагача югуриб борди. Она орқасига қарай қарай, кўнгли бузилиб ишга кетди. Боғчага ҳар кун уни олишга келганда Дилдора югуриб пешвоз чиқарди.

Мана, ўшанга ҳам олти йил бўлибди. Дилдора бийрон, зийрак, қош-қўзи попукдек ажойиб қизча бўлиб вояга етаяпти, у аяжонисини жонидан ортиқ кўради, усиз бир кун ҳам туролмайди. Уни ҳар гал Тош-

хон опа, гоҳ умр йўлдоши Орифболат ака кўчаларда кўғирчоқдек кийинтириб, етаклаб сайр қилдириб юрганини кўрганимда юрагим бир орзиқиб тушади. Туғишгандан афзал бўлиб, қизалоққа меҳр-муҳаббат бахшида етаётган бу оқибатли, савватли инсонларга таъзим қилгим келади. Шунини айтадиларда, туққан эмас, боққан она деб.

Ҳар йили Дилдора туғилган 13 апрел кунини ушбу хонадонда катта тантана бўлади, қизалоққа атаб топган-тутганлари дастурхонга қўйилади, турли пишириқлар пиширилади, қўшни болаларга ширинликлар улашилади. Дилдора ўртоқларига янги кийимларини кўз-кўз қилади.

Тошхон опанинг видео ҳақидаги илтимоси нима бўлди дерсиз? Ўша кунлари «Навбахор» маҳалласида Наврўз байрами кенг нишонларди. Етим-есирларга, хаста кишиларга совға-салом берилди. Маҳалла аҳли сумалак улашилди. Тошхон опа ҳам Дилдораси билан байрамда қатнашди. Бу ерга таклиф қилинган видео чийи хаммани тасвирга олди. Тошхон опа истаганидек бўлди. Дилдора аяжониси билан, ўз тили билан айтганидек, «кино»га тушди. Бунини маҳалладошлар видеокассета орқали томоша қилишди.

Холида ПАРДАБОЕВА

● Ахборот

СЕРМАЗМУН
АНЖУМАН

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Темурийлар тарихи — буюк меросимиз» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказди. Анжуманда таниқли олимлар ва олимпиадалар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари иштирок этишди. Конференция ишини Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова кичириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, профессор Пиримкул Қодиров «Темурийлар ва уларнинг оилавий анъаналари», филология фанлари доктори, профессор Фозила Сулаймонова «Амир Темур даврида китобат санъати», Узафа Шарқушнослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев «Темурийлар шажараси», шу институт катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Дилором Юсупова «Темурийлар даврида таълим-тарбия масалалари», Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, профессор Суюма Ганиева «Нуржонбеги — тадбиркор ва маҳоратли шоира» мавзуларида қизиқарли ва мазмунли маърузалар қилишди.

Ўз мухбиримиз

Оламда ган кўн

ГЎЗАЛ КУЧУКЛАР

АҚШнинг Оклахома штатида ўтказилган «Гўзаллик танлови»да бутун штатдан 500 дан зиёд турли зотли кучуكلар иштирок этди. Танловда «Марс» лақабли террари зотли кучук голиб чиқиб, «Оклахома гўзали» унвонига сазовор бўлди ва олтин медал билан тақдирланди.

Статистика маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, Германияда туғилиш камлигининг гувоҳи бўламиз. Немисларда ҳатто икки болали оила ҳам нисбатан кам учрайди. Сабаби, немис медреслари, биолог ва педагоглари болаларнинг сон эмас, «сифат кўрсаткичлари»га эътиборни қучайтирмоқдалар.

Ҳозирги пайтда болаларда ақлий ривожланишнинг ўзига хос «давр»лари мавжудлиги тўғрисида қизгин баҳслар бўлаяпти. Болалар ўз ҳаётларининг муайян даврларида, айтилиқ, мусиқа ёки тилларни муваффақият билан ўрганиб, эгаллаб олишлари мумкин. Худди мана шу даврда унга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш ниятда муҳимдир. Агар мана шу имкониятлардан ўз вақтида фойдаланилмаса, кейин кеч бўлиши мумкин. Франкфуртдаги мия тадқиқотлари институтининг директори Рольф Зингернинг айтишича, «агар асаб тўқималари керакли пайтда ишга солинмаса, кейин уни орқага қайтариб бўлмайди».

Болани мусиқага, тилларга, мантйқий фикрларга қандай самарали ўргатиш мумкин?

— Энг муҳими, — деб ҳисоблайди Лейпциг нейрпсихология институтини директори Анжела Фридеричи, — болаларнинг миёсини ахборот билан тўлидириб ташлашдан кўрқмаслик керак: боланинг миёси ахборот-

нинг керагини, яъни ўзи қайта ишлай оладиган даражадагисини қабул қилиб олади. Уларга иложи борича кўпроқ нарсани тавсия қилиш керак — унис бадий ўқушга қизиқса, буниси мусиқадан озуқа олиши мумкин...

Таваллуд топганидан то уч ёшгача бўлган муддат бола учун она тилини ўрганишда

олимларининг тадқиқотлари шунини кўрсатадики, виолончел ва гитара чалган болаларда миянинг мускул ва бўғинлари билан боғлиқ қисмида ихобий ўзгаришлар содир бўларкан. Фортепиано чалишдан биринчи сабоқ олган ва хорда ашула айтадиган уч яшар болалар мозаика ўйинларига тез ўрганишар, геометрик фигуралар чизиш ва масалалар ечишда шу даврда мусиқа машғулотларидан маҳрум этилган тенгқурларидан ўзиб кетишаркан.

Бола туғилгандан сўнг, олти ойдан то йигирма ойгача, атрофидаги одамлар билан кўпроқ ҳис-туйғу алоқаларига киришади. Бу даврда рўй берган ҳис-туйғу жароҳатлари болаларда ўзига хос биокимёвий излар қолдиради, катта ёшга етганда эса кўп миқдорда стресс гормонларининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Немис мутахассисларининг фикрича, ўта қобилиятли, тўғма иқтидорли болалар шу

даврлардаёқ билиб қоларкан. Муталаага мойил болаларнинг уч ёшдаёқ ҳатто телефон рўйхати ёзилган китобларга ҳам

кўл чўза бошлашлари тажрибадан маълум. Машҳур теннисчилар Борис Беккер ва Штефи Графлар ҳаракат қўнималарига ўргана бошлаганларида ҳали тўрт ёшга ҳам тулмаган эдилар.

Регенсбург дорилфунунининг таниқли психологи Петер Циммерман шундай деб ёзади: «Ота-оналарнинг кўп ҳолларда йўл қўядиган хатолари шундан иборатки, улар фарзандларининг қизиқиш ва қобилиятлари билан ҳисоблашмайдилар, аксинча, ўз истак-хоҳишлари бўйича иш юритадилар». Демак, болани унга маъқул бўлмаган хатти-ҳаракатта мажбуран ўргатиш ўрнига унинг шахсан нимага қодирлигини қузатиб бориш ва унга ўз вақтида ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш ўта муҳимдир.

Мирзала АҚБАОВ тайёрлади

ВУНДЕРКИНД: УНИ ҚАЧОН,
НИМАГА ЎРГАТИШ ЛОЗИМ?

Энг қулай давр ҳисобланади. Она қорнидаёқ гўдак оналарининг овозига «қулоқ сола бошларкан». Унинг «тил маркази» ҳар қандам ота-оналар тилига мослашиб боради. Ёшига етган, она тилининг ритмикаси ва товушлар ҳаракатини ўзлаштира бошлайди. Немис медреса ва педагогларининг қузатишларига қараганда, чет тилини 10-11 ёшдан сўнг ўргатишга киришилса, муваффақиятга камроқ умид боғлаш мумкин бўларкан.

Мантйқий фикрлашни ўзлаштириш учун бир ёшдан тўрт ёшгача, мусиқани ўрганиш учун эса уч ёшдан тўхуз ёшгача бўлган давр энг қулай ҳисобланади. Тюбинг дорилфунунининг профессори Гурдун Шварцернинг фикрича, «ноталар алифбосини болаларга мактабгача ўргатиш лозим» экан. Констанца ва Моностр дорилфунунлари



ЮРТИМ ДЕСА КИМ

Фарҳод АЛИМОВ мусикаси
Сафар БАРНОЕВ шеъри

Юртим деса ким

Юлдузи осмонга буюрсин,

Мен сенга фидо,

Дегувчи углонга буюрсин.

Дил дилга яқин бўлди,

Қаранг, тилда губор йўқ.

Дўст бўлса агар

Дусту қадрдонга буюрсин.

Дунё биладир

Неча буюкларга Ватан бу,

Зурёдлари биз

Олиму деҳқонга буюрсин.

Турон элининг шавкати

Тарихда аёндир.

Тарихни таниб тургучи

Посбонга буюрсин.

Биз бирла нафас олгучи

Куп рўйи заминда,

Ким бизни хушламаса,

Топгани шайтонга

буюрсин.


Эй, шонли элим,

Қадри баланд, қадди

баландим.

Озод бу диёр мадҳи-чи,

Достонга буюрсин.



Оламда гап кўн

МОЛЛЮСКАХЎР

Приторияда истикомат қилувчи Жон Максвелл исмли жаноб дўсти билан баҳс бойлашиб қолди ва бир ўтиришда 100 та денгиз моллюскасини пок-покиза туширди. «Моллюскалар менинг сеvimли таомим», дейди дўстининг минг долларини ютиб олган жаноб Максвелл.

Носир тоға тўсатдан ўлди-қолди. Тоғни урса талқон қиладиган, паҳлавон эди ўзиям. Дарвозасидан 10-15 метрлар нарида йиқилибди-ю, жон берибди, раҳматли.

Онам билан Носир тоға хонадонига кириб, кўнгил сураб қайтардик. Қатнов йўлга туртиб чиққан девор ёнига етганида онам бошини сараклатганича деди:

— Қизим, Носир тоғанг манави ерда йиқилибди-да. Элбекжонни ҳам худди шу ерда машина урворган... Қара-я, гурсимосдай одам. Кишининг ажали етса, худойим сабабини тайин қилиб қўярган, бўлмаса, қоқилиб ҳам ўлиб қолаверадими...

Менинг ҳаёлимни Элбекжон олиб кетди. Онамга: «Носир тоғанинг кўзига Элбекжоннинг арвоҳи кўрингандир», дедим.

— Кўй, бу гапни бир гапирдинг, бошқа гапирма. Бола шўрликнинг умридан йўқ эканки, машина урворган. унинг куйиғига чидолмай Со бир тоға ҳам ўтиб кетди. Сохибжон давление орттириб олди. Ҳаммамиз ҳам кафтдеккина тупроқнинг эгасимиз-у, кўзимизни тупроқ тўйдиради, холос.

Носир тоғанинг уйи сой ёқасида жойлашган. Ҳовли билан сой оралиғидан қарама-қарши келаётган машиналар сийғиши мумкин бўлган кенггина йўл ўтарди. Каттагина ҳовлиси якка-ю ягона ўғлига бемалол етиб-ортарди. Одамзоднинг кўзи очлиғики, Носир тоға йўлга кўз олайтирди, анчагина жойни қўшиб олди. Энди унинг ҳовлиси билан сой оралиғидан битта машина аранг ўтарди. Маҳалла-кўй кўриб кўрмаганга олди. Хотин-халаж тўй-тўйчида «Йўлдан ҳам қўшиб оладими, охири бахайр бўлсин», дея шивир-шивир қилиб кўйишларини демаса, ҳамма жим. Текис йўлда

бадандаги сўғалдай бўлиб туртиб чиққан девор, айниқса, ҳайдовчиларни қийнарди. Болалар мол-хол

қайтаб келишадиганида улар машиналарини чеккага чиқариб туришарди. «Сўғал» жойдан ўтаётган борки, юрагини ҳовучлаб турарди: ишқилиб қарши томондан машина-пашина кеб қолмасин-да!

Элбек Сохиб аканинг олти қиздан кейин тилаб-тилаб, азизлар тупроғини кўзга сурта-сурта топган ўғлини эди. Собир ота Элбек тўғилганда маҳалладаги болаларга сўюнчи улашгани, катта бешик тўйи қилиб бергани ҳали-ҳамон эсимда. Носир тоға очкўзлигининг касофати шу ёлғиз ўғилга урди. У велосипедига ўт юклаб келаётганида «Сўғал» девор ёнида юк машинаси уриб юборган. Аёлнинг кўз ёшларига ўрганиб қолганмиз, аммо, эркак йигламасин, фарёд чекмасин экан. Оғзида бурдагина нон, тим қора кўзлари очик қолган набираси жасдини кўтариб олган Собир отанинг фарёди бутун қишлоқни йиғлатган эди.

Одамларимиз жуда андишали, эгамга керак экан, деб қўя қолишди. Йўл кенг бўлганда шу бола ўлиб кетмас эди, очкўз Носирнинг деворини бузиб ташлаш керак, деган қизикқонларни ҳам босиб қўйишди.

Айтишларича, Ҳожеа рўй берган жойда тун пайти ўсмир боланинг арвоҳи кўринадиган бўлиб қолибди.

Оппоқ кафанга ўралган арвоҳнинг қўллари илтижо қилгандай Носир тоғанинг ҳовлиси томон узатилган бўлармиш.

— Тунги сменадан қайтардик, — сўзлаб берди қўшни аёллардан бири, — кўприкдан бурилиб ҳам эдимки, Элбекжонни машина босиб кетган жойда оппоқ ҳайкалга ўхшаш бир нима турарди, ҳайкал бўлиб ҳайкалмас, юрагим орқамга тортиб калима ўғирдим, оёғим юролмайдиган, денг. Уч марта «ла илоҳа иллоллох» деганимдан кейин «Ҳайкал» кўрин-

тушибди, миясига қон қуйилиб, бир қўл, бир оёғи ишламаяпти экан, деб эшитдик. Ўқтамнинг хотини касалхонада ҳам қараяптимиш, бандасидан қайтмаса, худодан қайтсин, алқашарди, кексалар.

Орадан ойлар ўтди. Раҳима ҳолани касалхонадан обкелишибди, тилдан қолибди. Хол сураб қирмоқчи бўлганларни, ҳеч кўрадиган ҳоли йўқ, ўзига келсин, деб қайтаришибди. Кейинчалик эса ҳоланинг Тожикистонда уруғлари бор экан, олиб кетишибди, ҳовли-жойни Ўқтамга хатлаб беришди, деган гаплар тарқалди. Ҳамма ўзи билан ўзи овера, шунча йилдан бери йўқламаган қариндош қаердан пайдо бўлди экан, деб суриштирувчи йўқ. Қандай анойи одамлар эканки, шундай ҳовлини индамайгина Ўқтамга хатлаб бериб, касалванд ҳоласини опмчлаб кетишса, дейдиган одам йўқ.

Йиллар ўтди. Раҳима ҳола кўпчиликнинг ёдидан ҳам кўтарилди. Лекин унинг ҳовлисидан, Ўқтамнинг хонадонидан ҳеч фалокат аримайдиган бўлиб қолди. Ҳовлидан ўтадиган анҳорга тушиб кетиб, икки ёшли ўғилчаси нобуд бўлди. Ўзининг қўлини электр арра олиб кетди, ўнг қўл тирсағидан йўқ. Хотинининг кўзига эса қоронғи тушиб дегунча аллақандай шарпалар кўринармиш.

Кейинчалик эшитсам, Раҳима ҳолани касалхонадан нари, ғариблар уйига топшириб юборишган, бечора ҳола шу ерда бандаликни бажо келтирган экан.

Қайтар дунё, деганлари шумикан?
Маҳфуза УСМОНОВА

• Қайтар дунё

ТУПРОҚДАН ЯРАЛГАНМИЗ ТУПРОҚҚА ҚАЙТАМИЗ

май қолди.

Тўйдан қайтаётган Носир тоғага ҳам айни шу жойда ҳаётга тўймаган боланинг арвоҳи кўринган, тоғанинг кўркувдан юраги ёрилиб кетган бўлса эҳтимол.

Мусичадай беозор эди бу аёл. Эри урушда бедарак кетган, ёлғизгина ўғли ҳам пешонасига сизмаган, ҳайхотдек ҳовлида бир ўзи яшарди. Қаёқдандир келиб қолганлиги учун теварак-атрофда қариндошлари ҳам йўқ. У бошланғич синфларга дарс берадиган.

Раҳима ҳола пенсияга чиққач, қўшни Аъзам ака, рафикаси унга парвона бўлиб қолишди. Болалари ҳола билан бирга ётадиган, иссиқ-совуғидан хабар олишган.

— Хайрият, ғам ема ғамхўрингман деб, шу мусофир бечора ёлғизланиб қолмади, деб суюнишарди қўшнилар. Орадан кўп ўтмай Аъзам аканинг тўнгич ўғли Ўқтам Раҳима ҳоланинг ҳовлисига кўчиб кирди. Ўша йили қиш қаттиқ келган эди. Хола музламада йиқилиб



Орзиқиш

Сенга атаб қанча шеърлар
битдим мен,
Сени ахир кимга ташлаб
кетдим мен,
Бир ҳаёли боқар эдинг
уялиб,
Наҳот сенга болмас, оғу
тутдим мен?
Юрагимнинг бир парчасин
олгандинг,
Илк севгини сен юракка
солгандинг,
Қалб қафтида тутиб икки

юракни,
Дил кўкида қуёш бўлиб
қолгандинг.
Қайта насиб этса эди у
кунлар,
Юлдуз кулиб, ой
тулишган у тунлар,
Ҳадя этмасмидим сенга
авайлаб,
Кунглимнинг боғидан энг
сара гуллар?!
Рустам ЖОВЛИЕВ

ЕЛКАМА-ЕЛКА (СПИНА К СПИНЕ)

Режиссёр — Рожер Найгард
Ролларда — Рио Ишибаши,
Майкл Рукер

1996 йил. «Пирамид студио»
Агар «Америкалик якудза» ҳам-
да «Жеймс Ф. Кеннеди» номли
филмларни кўрган бўлсангиз, ун-
да сиз бу киноасарларда ажойиб
ролллар ижро этган истеъдодли ак-
тёрлар Рио Ишибаши ва Майкл
Рукерларни эслаб қолишингизга
шубҳа йўқ. Чунки бу филмларда
санъаткорлар ўз маҳоратларини
намоён этган. «Елкама-елка»
киноасарида ана шу икки мо-
хир актёрларнинг бири япон якуд-
заси азбоси, иккинчиси эса по-
лициячи. Бироқ филм воқеалари
шундай кечадики, Кожу (Р. Иши-
баши) ва Бобу (М. Рукер) лар ма-
фия ҳамда япон якудзасига қар-
ши жангда ўзаро бирлашишади.

ЁЛГИЗ ЙЎЛБАРС

(ОДИНОКИЙ ТИГР)

Жангари филм
Режиссёр — Уоррен А.
Стивенс

Ролларда — Ричард
Линг, Роберт Здар, Ма-
тиас Хюз

1995 йил. «Мастер
Со»

Керринеи 10 ёшга
тўлганида қўл жангининг
мохир устаси бўлган
отасидан жудо бўлади.
Отаси қотилининг қўли-
да чизилган «шоҳ коб-
ра» сурати (татуировка)
Керринеи хотирасидан
ҳеч ўчмайди ва у 25 ёш-
га тўлганда Лас-Вегас
шаҳрига ўша қотилни
қидириб келади. Бу ер-
да қалбаки ўлим жанг-
лари ташкилотчиси Рос-
снерни (М. Хюз) учрата-
ди.

Керринеи Росснерни-
нги ўнг қўли ҳисоблан-
миш Кинг билан бўлган
финал жангда, унинг қў-
лида чизилган «шоҳ коб-
ра» суратига кўзи туша-
ди. Бироқ отаси ўлими-
нинг сири ҳануз очилма-
ган эди...

ЎЛИМ РЕЙСИ

(СМЕРТЕЛЬНЫЙ РЕЙС)

Триллер
Режиссёр — Жон Маккензи
Ролларда — Эндрю Дивовф,
Жосс Экланд.

1995 йил. «НВО»
Африканинг порт шаҳарчасидаги
огир ҳаёт бир гуруҳ одамларни ке-
мада Америкага қочишга мажбур эта-
ди. Аммо «куёнлар» кемадаги тартиб
учун жавобгар махсус гуруҳ томони-
дан қўлга туширилади.
Энди бу ноконуний йўловчилар-

ни нима қилмоқ даркор? Кема ко-
мандири ҳеч кимнинг ҳаёлига кел-
маган бу воқеани ўз раҳбариятига
билдирмасдан хал қилмоқчи бўла-
ди. У ноконуний йўловчиларни мах-
фий равишда йўқотиш пайига туша-
ди. Кемада ҳаёт-мамот жанги бош-
ланди.

ҚОРА МУШУК (ЧЁРНАЯ КОШКА)

Жангари филм
Режиссёр — Стефен Шин
Ролларда — Жед Леунг, Диксон
Пун, Робин Чоу.
1994 йил. Хитой.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш
жоизки, Хитой киноижодкорлари
томонидан кейинги йилларда экран-
лаштирилаётган асарлар томоша-
боплиги жихатидан Голливуд лен-
таларидан деярли фарқ қилмайди.
Ўз хохиши билан ЦРУнинг сирли
агенти — «Қора мушук» бўлган Кетти
(Жед Леунг)нинг тақдири жуда мур-
а-

ВИДЕО ОЛАМИДА



каб ва турли хавф-хатарли саргузашт-
ларга бойдир.

Отишмалар, жанглар ва турли га-
ройиб воқеалар мохирона суратга оли-
ниб, уларнинг барчаси «Қора мушук»
ҳаёти билан боғлиқ эканлиги тасвир-
ланган бу филм томошабинни тез ўзи-
га жалб эта олади.

ҚОРА МУШУК -2 (ЧЁРНАЯ КОШКА-2)

Режиссёр — Стефен Шин
Ролларда — Жед Леунг, Диксон
Пун.
1995 йил. Хитой.

Оламда гап кўп

«БИР ҚАДАМ ҚЎЙСАНГ БАС...»

Бугунги кунда «клиник ўлим»
атамасини кўпчилик яхши тушу-
нади. Бундай вазиятга тушган
одамнинг ҳали ҳаётга қайтишига
умид қилса бўлади. Лекин ҳамма
замоналарда ҳам бундай тушуниб
етмаганлар. Масалан, яқинда ар-
хивлардан топишган маълумотлар-
га қараганда, 1931 йил Н. В. Го-
голнинг ҳоқини Авлиё Данилий
монастиридан Новодевиче қаб-
ристонида кўчириш пайтида то-
бутни очишади. Қарашса, жасад-
нинг қолдиқлари ёнбош ётган ҳол-
да жойлашган бўлиб, тобут қоп-
қоғининг ички қисми тирналган
экан. Шуларга асосланиб, «Тарас
Булба» ва «Ўлик жонлар»нинг
муаллифини ҳали тириклигида,
тўғрироғи клиник ўлим шароити-
да дафн этишган, деган хулосага
қилишди.

УПА — ЭЛИК (ПУДРА)

Фантастик драма
Режиссёр — Виктор Салва
Ролларда — Жефф Голдблум,
Ланс Хенриксен.
1995 йил. «Холливуд».

Ушбу филм Америка киномух-
лислари орасида шов-шувга сабаб
бўлган ҳолда муваффақият ила на-
моиш этилмоқда ва бугунга қа-
дар анчагина маблағ йиғди.

Кўзи ёриш вақтида аёл вафот
этади. Дунёга келган чақалоқ эса
ёлғиз қолади, чунки унинг бутун
бадани оппоқ (альбинос) ҳолда бўл-
ганлиги сабабли отаси воз кеча-
ди. Болакай бобосиникида ёлғиз-
ликда вояга етади.
Агар бобоси вафот
этмаганида унинг
бор-йўқлигини ҳеч
ким билмасди...

Улкан имкониятлар
соҳиби бўлган бу ок
баданли йигитнинг
саргузаштлари томо-
шабинни бир дақиқа
ҳам зериктирмайди.

Йилнинг энг сер-
даромад филмлари
ҳисобланмиш қўйи-
даги киноасарлар-
нинг 1996 йил 1
июлгача тўплаган
маблағлари.

1. Тўфон — 211,4
миллион доллар.
2. Уйинчоқлар ха-
қида эртас — 190,1
млн. доллар.
3. Бажариб бўл-
майдиган топширик
— 156,2 млн. дол-
лар.
4. Куш қафаси —
121,8 млн. доллар.
5. Эйс Вентура-2
— 108,3 млн. доллар.
6. Олтин кўз —
105,9 млн. доллар.
7. Жуманжи — 100,1 млн. дол-
лар.
8. Мистер Холланд — 81,5
млн. доллар.
9. Қоя — 80,7 млн. доллар.
10. Келининг отаси — 2 —
76,5 млн. доллар.

Видеотасмаларга ёзилган
янги филмлар билан қизи-
қувчилар қуйидаги телефон-
ларга кўнғироқ қилишлари
мумкин:

77-13-44,
77-67-12.

Дераза

«ИЛГОРЛИК»

Россияда оналар ўлими дара-
жаси гарб мамлакатларидан 10 ба-
равар, болалар ўлими эса уч мар-
та юқори. Шу йилнинг ўтган олти
ойида 10 мингдан зиёд гўдаклар
ҳаётдан кўз юмган. Ўсмирларнинг
учдан бир қисмининг соғлиғи ар-
мияда хизмат қилишга тўғри кел-
майди.

СЎХТАСИ СОВУҚ РОБЕРТ

Англияда чоп этилаётган «Тотал
футбол» журнали ўтказган сўров
натижаларига кўра, немис футбол-
чиси Юрген Клинсманн «энг ҳуш-
сурат ва чиройли футболчи» деб
топилиди. Хорватиялик Роберт Про-
синечки эса «энг сўхтаси совуқ
футболчи» деган «унвон»га сазо-
вор бўлди.

«БУҒДОЙ ЁНАЯПТИ, БУҒДОЙ»

«Солдат отаси» филми бош қаҳ-
рамонининг шу сўзлари ёдингиз-
да бўлса керак. Филмда буғ-
дойзорга ўт кетишига уруш олови
сабаб бўлган бўлса, бу йил бир-
гина Саратов вилоятида ўрим ком-
байнларининг техник носозлиги ту-
файли ўнлаб гектар майдондаги
галлазор ёниб кетди.

СЕВГИ СИРИ

Олма-ота шаҳридаги дам олиш
боғларидан биридаги кўлда ёш йи-
гит кутқарувчиларни ёрдамга чор-
лади. Улар йигитнинг ҳамроҳи-чў-
каётган қизни қирғоққа олиб чи-
қишди. Йигит эса қизни яна қайиқ-
қа ўтказиб кўлнинг ўртасига бор-
ди ва сувга итариб юборди. Ик-
кинчи марта ҳам ёрдамга етиб кел-
ган «освод»чилар йигитдан бундай
гайритабиий қилигининг сабаби-
ни сўрашганда, у қизни жудаям се-
вишини айтган.

СУД

КЕЛАВЕРМАГАЧ

Қозон шаҳридаги Вахитов туман
судига қизиқ воқеа содир бўлди.
Судланувчини суд залига келтир-
ган бўлишса-да, ҳадеганда судя-
лардан дарак бўлавермади. Оқи-
батда, зериккан милиция ходим-
лари мудраб қолишди. Судланув-
чи эса пайтдан фойдаланиб жуф-
такни ростлаб қолди. У тўғри уйга
келиб тўйгунча овқатланди, сўнг
ухлашга ётди. Милиция излаб кел-
ганда, у хурракни чуқур-чуқур тор-
тиб ухлаб ётарди.

ТУЯҚУШЛАРНИНГ ХИТОЙГА САФАРИ

АҚШнинг Индиана штатидан 115
та Африка қора туяқуши махсус са-
молётада Хитойга келтирилди. Хи-
тойлик бир гуруҳ ишбилармонлар
уларни ўз мамлакатларида кў-
пайтириш ниятидалар. Яқин кела-
жада Хитой туяқуш гўшти етиш-
тириш бўйича ҳам жаҳон бозори-
да ўз ўрнини эгалласа ажабмас.

ОЁҚЛАР ТАЪРИФИДА

Ўтган йили Россияга океан ор-
тидан 800 минг тонна товуқ оёғи
экспорт қилинган. Шунииси гала-
тики, АҚШнинг ўзида товуқ оёғи-
дан иккиламчи маҳсулот ишлаб чи-
қариш учун фойдаланиларкан. Чет-
га эса у гўшт сифатида сотилади.

Хорижий матбуот хабарлари
ассосида тайёрланди



ШАКАР ЯНТОҚ

Ш а - кар ян - тоқ асо - сан ав - г у с т - сентябр ойлари - да пи - ши б етилади ва ўзи - дан шу пайтда ширин суюқлик ажрата - ди. 2-3 кунда бу суюқлик қотиб, маннага

Янтоқ турлари Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, энг фойдалиларидан бири шакар янтоқдир.

Янтоқ республикаимизнинг ярим чўл ҳудудидаги ташландиқ жойларда, тепаликларда ўсади.

Янтоқдан қадим замонлардан турли касалликларни даволашда кенг қўлланиб келинган. Айниқса, республикаимизнинг дала-дашларида ўсиб ётадиган шакар янтоқ кўплаб касалликларга шифобахшдир.

айланади.

Шакар янтоқ маннасида халқ табобатида иситмани пасайтирувчи ва сурги дори сифатида фойдаланилади. Қуритилган ўсимлигидан сиқиб олинган шира эса сурункали бош оғриғида суртма, кўз хиралашганда томизғи, сийдик йўллари шомоллаганда шифобахш дори сифатида қўлланилади.

Янтоқ баргидан тайёрланган суртма бод, ревматизм касаллигида оғ-

риган бўғим ва суякларга ишқалаб суртилади.

Шунингдек, янтоқ баргидан тайёрланган қайнатма ёзининг иссиқ кунларида чанқовбосди шифобахш ичимлик ҳамдир. Илдизи, баргидан тайёрланган қайнатма нафақат чанқовбосди ичимлик, жигар, меъда, ўн икки бармоқ ичак касалликларига фойдали.

Янтоқ турларининг халқ табобатида кенг қўламда ва турли касалликларни даволашда ишлатилиши, албатта, уларнинг ҳар хил биологик моддаларга бойлигидандир. Янтоқ таркибида калций, натрий, магний, фосфор, алюминий, марганец, никел, мис каби элементлар ва уруғи таркибида 20 фоизгача ёғ бор. Шакар янтоқнинг маннаси 49,9-50,6 қанддан, трисахариддан ташкил топган. Даволашда қўллаш учун янтоқ турларининг дамлама ва қайнатмаси қуйидагича тайёрланади:

1. Илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирли идишга бир ярим стакан сув қўйилиб, устига қуритиб майдаланган илдизидан бир ош қошиқ солиб, 15 дақиқа қайнатилади. Сўнгра идиш қопқоқ билан ёпиб қўйилади. Кўрсатилган вақт ўтгач, докада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3 маҳал, бир ош қошиқ қайнатма-

дан истеъмол қилинади.

2. Ер устки қисмидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирли идишдаги қайнаб турган бир стакан сув устига қуритиб майдаланган маҳсулотдан 2 чой қошиқ солинади, кейин идиш ёпилиб, 2 соат давомда дамлаб қўйилади, сўнгра эса докада сузилади. Тайёр дори даволаш учун кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Оламда гап кўп

ОМАДСИЗ ЖЕНТЕЛМЕН

Африкадаги миллий боғлардан бирида шерларни томоша қилиб юрган аёл тўсиқнинг ичига тушиб кетди. Дарҳол ёрдамга етиб келган турмуш ўртоғи уни тўсиқдан ошириб юборади, лекин ўзи шерларнинг исканжасида қолади. Қўриқхона хизматчилари етиб келишганда бечора эрнинг кийимларидан парчалар қолганди, холос.

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Зурриёдларин бахтини уйлаб,

Ота қалби уйғоқ, беҳузур.

Кенг оламга қувончин

суйлаб,

Кузларидан ёғар ажиб нур.

Ҳурматли ва қимматли бобо жонимиз Худойберди КЕНЖАЕВ! Биз сизни

улуг айём — яъни таваллуд топган кунингизнинг 100 йиллиги билан қизгин табриклаймиз. Сизга Аллоҳдан соғлиқ, тинчлик тилаймиз. Шу билан бирга 17 август шанба куни буладиган бир асрлик тўйингизга азиз меҳмонларни таклиф этамиз. Фарзандларингиз, невараларингиз, эвараларингиз, чевараларингиз номидан Худойбердиев Очилди.

Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Батош қишлоғи

Дилбандимиз суюкли қизимиз ФАРАНГИЗЖОН!

12 август муборак таваллуд кунинг билан чин юракдан табриклаймиз. Сенинг камолинг қалбимизни осмон қадар лаюксакка кўтаради. Тилагимиз:

Оллоҳнинг сенга атаган неъматлари ададсиз бўлиб бахтимизга ҳаммиша соғ-саломат, кўзимизни қувонтириб юргин.

Тангрим жигарбандимга,

Неъматинг бисёр бўлсин.

Йулларини ойдин қил,

Қуръон мададкор бўлсин.

Камолатинг иштиёқида яшаётган аянг Феруза, даданг Улугбек.

Саидбурхон хожи САИДОЛИМОВНИ 70 ёшлари билан табриклаймиз.



Парвардигордан у инсонга соғлиқ, узоқ умр, меҳроқибат тилаймиз. Бахтимизга доим шод, омон булинг, деб ҳурмат ва эҳтиром билан рафиқангиз, фарзандларингиз ва набираларингиз.

Синглим НАРГИЗАХОН! Сени оиламиз номидан 15 ёшинг билан қутлайман. Оппоқ тонглардек орузларинг доим йўлдошинг бўлсин, деб аканг Саъдул



Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 299- болалар боғчаси мудираси муҳтарама Фарида АБДУЛЛАЕВНИ таваллуд айёми билан чин дилдан қутлаб, Аллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва омад, уғил қизларининг бахтини қуришларини тилаб, боғча жамоаси номидан МИРСАЛИМОВА Х.

Қадрли падари бузрукворимиз Азим АБДУГАНИ угли!



Сизни таваллуд кунингиз — 52 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, метиндек ирода ва узоқ умр тилаймиз. Барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишида Аллоҳ мададкор бўлсин. Бизнинг бахтимизга доим соғ-саломат булинг.

Фарзандларингиз.

Суюкли жигарим АБРОРБЕК!

Сени тўрт ёшинг билан чин кунгилдан табриклайман. Оппоқ тонг янглиг покиза ва мусаффо туйғулар ҳеч қачон сени тарк этмасин.

Ҳамидовлар хонадони номидан аканг Рузубой.

Бир оғиз оддий сўз билан ҳам бузиш, ҳам тузиш мумкин. Қудратингдан айланай, сўз!

Болаликдан то кексайгунга қадар «одам бўл» деб такрор-такрор айтишади. Наҳотки, одамнинг бутун бир умри одам бўлиш учун етмаса?

Чирогинг мудом ёниб туришини истасанг, шамолнинг йўлини ўз вақтида тўсгин.

Хато қилиб кечирим сўраш — жасорат. Кечирим сўраб, унга амал қилиш — мардлик!

Минг машаққатлар билан эшикни очсанг-у, остонадан ўтолмасанг, қандай ёмон, қандай даҳшат!

Яхши шеърда юк бўлиши керак дейдилар. Лекин буни филдай шеърга чумолининг юкини юкласа ҳам бўлаверди, деб тушунмаслик керак.

Ҳасаддан бошқа дардга даво топилади. Лекин ҳасадгўйга ҳатто илоннинг захри ҳам кор қилмайди.

Бировдан ўрганган ёмон одатни тарбиялаш мумкин. Бироқ ўша иллат қонда бўлса — қийин.

Чидам ва бардош деган сўзлар фақат инсон учун яратилган. Бу сўзларга фақат инсон

бардош бериб, фақат инсонгина чидаши мумкин.

Адабиётнинг дарвозасида қоровул йўқ. Бе-емалол чиқиб кетаверишинг мумкин.

Кўзингга тик қараб ёлгон гапирган одамнинг аслида юзи ҳам, кўзи ҳам бўлмайди.

Бизда ҳақиқий танқидчилардан кўра, қораловчилар билан инкоршунослар кўпроқ.

«Шарқ фалсафаси», «Шарқ донишмандлиги» тушунчалари-

асарлар улкан иморат деворларига қўйилган синик, мўрт гишталарга ўхшайди.

Итнинг мақсадини важоҳати ва ҳуришидан билса бўлади.

Қўлида тош ушлаб юрганлардан эмас, дилида тош сақлаб юрганлардан кўрқ.

Ҳақиқатни айтишдан кўрқсанг, гапирма. Гапирдингми, унда фақат ҳақиқатни айт!

Нўноқ ўқитувчи фақат нўноқ ўқувчининг эсида қолади.

Баҳорда ям-яшил япроққа муҳаббат сўзини битган эдим. Кузга келиб япроқ сарғайиб кетди.

Наилож?!

Кутубхоначи — маънавий табиб.

Узоқ вақт зулматга ўрганган одамнинг кўзлари ёруғликдаги ҳамма нарсаларни ёрқин кўравермайди.

Ижодкор учун энг зўр тарғиботчи — истеъдод билан ёзилган асар.

Тиши оғриган бемор врачнинг омбиридан кўрқиб, қулогини кўрсатиб юборди.

Ашурали Жўраев

ЮРАГИМДА ЧЎҒ БЎЛАДИ САТРЛАР

ни фақат дин билан боғлаш ҳақиқатга бир кўз билан қарашга ўхшайди.

Ҳамиша сени эркалаётган ҳаёт зерикардидир.

Муҳаббат — асал билан ара-лаштирилган аччиқтош.

Оломон бир-бирини қалбан ва маънан тушўниб етгандагина миллатга айланади.

«Жон дўстим, жоним дўстим», деб жонингни «олганини» билмай қоласан.

Ўртамиёна ва саёз ёзилган

• Бўш вақтингизда

МЕНИНГ ЁШИМ НЕЧАДА?

Ота-боболаримиз бизга буюк мерос қолдирган. Шулардан бири бутун Шарқда кенг тарқалган тақвимдир. Ҳаммамизга маълумки, мучал ўн икки йил бўлиб, у ўн икки жонзотнинг номи билан аталади. Боболаримиз бир кеча-кундузни ҳам ўн иккига бўлиб, ушбу жонзотлар номи билан атаганлар. Бундан ташқари бизнинг оташпарааст боболаримиз ҳар ойни ўттиз кунга бўлиб, уларнинг ҳам ҳаммасига ном бериб чиққанлар.

Шундай экан «Мен тўрт мучални босиб ўтдим, ит ва тўнғиз йиллари туғилган укаларим бор. Ўз мучалимдан бир йил олдин келадиган жондор ойининг вахрам куни соат балиқдан чорак ўтганда оламга келганман».

Айтинг-чи, мен қайси йили, қайси ой ва нечанчи кун, соат нечада дунёга келганман?



Сўнги устун

«САЁҲАТЧИ» МЕҲМОНХОНА

Техасдаги эски, уч қаватли «Фермонд» номи меҳмонхонани бузиш керак бўлиб қолди. Лекин шаҳар мамурулари бинони тарихий ёдгорлик сифатида сақлаб қолишга, уни бузмай, шу туришда бошқа жойга кўчиришга қарор қилишди. Шундан кейин меҳмонхонанинг 6 кун давом этган «саёҳати» бошланди. Махсус мосламалар ва транспорт воситалари ёрдамида уни аввалги ўрнидан бир неча юз метр нарига силжйтишди. Бу «саёҳат» учун хазинадан салкам 1 миллион доллар сарфланди.

«ИККИЧИ»ГА ЁРДАМ

Россиядаги «Тилшунослик Олий илмий мактаби» илмий-тектириш институти директори Ольга Веровенко 1988 йилда «Тугма саводхонлик услуби»ни ишлаб чиққан эди. Унга кўра, ҳар бири уч соатдан давом этадиган 12 машғулотдан сўнг боланинг саводхонлик даражасини 10 баравар ошириш мумкин.

ТОҒЛАРДАН ЯХШИРОҚ ТОҒЛАР БОР, ФАҚАТ...

Норвегиялик эр-хотин Бэнишларнинг севимли машғулоти тик қояли тоғлардан парашютда сакраш. Яқинда улар бу соҳада «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олган энг юқори даражани янгилашди. Улар денгиз сатҳидан 2-2,5 минг метр баландликдаги тик қоядан сакрадилар.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ВИРУС!

Компьютер оламида энг сўнгги янгилик ҳисобланиши Windows-95 дастури бўйича камида тўртта вирус яратилгани маълум бўлди. Масалан, Боз вируси Германия ва Австралиядagi компьютер тармоқларига кириб олиб, уларнинг нормал ишлашига ҳалакит бера бошлади. Уни «ушлаш» учун вирусологларнинг анчагина тер тўкишларига тўғри келди.

АВИАКОНСТРУКТОРНИНГ ГИЛДИРАКЛИ СТУЛЛАРИ

Кейинги йилларда, айниқса, оёғига гилдиракчалар ўрнатилган офис стуллари урф бўлиб бораёпти. Дастлаб, стул оёғига гилдиракчалар ўрнатиш ғоясини собиқ шўро авиаконструктори Роберто Бартини илгари сурган эди. У конструкторлар ўтириб ишлайдиган стулларнинг кўп ноқулайликлар туғдиришини кўргач, шу таклифни ўртага ташлаган.

«БЭТМЕН», «ТЕРМИНАТОР» ВА БОШҚАЛАР

Холливуд киночилари шу қўнларда бир неча йиллар олдин ўзларига миллион-миллион доллар даромад келтирган бир қатор фильмларнинг янги қисмларини яратиш устида ишлашмоқда. «Бэтмен-4», «Терминатор-3», «Ўргимчақ-одам-3», «Кинг-конг»нинг янги талқини шулар жумласидандир.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кумитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош хомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0455 21597 нусхада чоп этилди. Офсет устулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.